

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019.Gr.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АДИЛОВА ОЗОДА АМОНОВНА

**ТОҒ ЛАНДШАФТЛАРИДА ЧЎЛЛАНИШ ЖАРАЁНИНИ ТАЯНЧ-
ТАЖРИБА УЧАСТКАЛАР ЁРДАМИДА КАРТАЛАШТИРИШ ВА
БАҲОЛАШ (Ғўбдин тоғи мисолида)**

11.00.01 – Табиий география

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
geographical sciences**

Адилова Озода Амоновна

Тоғ ландшафтларида чўлланиш жараёни таянч-тажриба участкалар
ёрдамида карталаштириш ва баҳолаш (Ѓўбдин тоғи мисолида)..... 3

Адилова Озода Амоновна

Картографирование и оценка процесса опустынивания в горных ландшафтах
при помощи опорно-экспериментальных участков
(на примере Гобдинтау) 21

Adilova Ozoda Amonovna

Mapping and assessment of the desertification process in mountain landscapes
using reference experimental sites (on the example of Gobdintau) 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 41

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019.Gr.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АДИЛОВА ОЗОДА АМОНОВНА

**ТОҒ ЛАНДШАФТЛАРИДА ЧЎЛЛАНИШ ЖАРАЁНИНИ ТАЯНЧ-
ТАЖРИБА УЧАСТКАЛАР ЁРДАМИДА КАРТАЛАШТИРИШ ВА
БАҲОЛАШ (Ғўбдин тоғи мисолида)**

11.00.01 – Табiiй география

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/Gr29 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (samdu.uz) ва "Ziyounet" ахборот-таълим тармоғига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Раҳматуллаев Арзимурад
география фанлари доктори (DSc)

Расмий оппонентлар:

Алибеков Лапас Алибекович
география фанлари доктори, профессор

Юлдашов Абдоржон Убайдуллоевич
география фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил "20" 08 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15 уй. Самарқанд давлат университети бош биноси хона, тел.: (0366)239-16-36), факс: (0366)239-11-40; E-mail: ik-geografiya@mail.ru Самарқанд давлат университети география ва экология факультети).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 48 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд, Университет хиёбони, 15 уй.Тел: (+99866) 233-60-87.

Диссертация автореферати 2020 йил "05" 08 куни тарқатилди.
(2020 йил "5" 08 даги 9 рақамли реестр баённомаси).



С.Б.Аббосов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, г.ф.д.

Б.А.Мелиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, география фанлари бўйича PhD

А.Раҳматуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, г.ф.д.(DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда чўлланиш муаммоси аҳоли сонининг узлуксиз кўпайиши ва ландшафтларга антропоген юкнинг ортиб бориши билан боғлиқ ҳолда жадал ривожланиб бормоқда. Бу каби муаммолар БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш бўйича дастурининг 15-бандида «куруқлик экосистемаларини муҳофаза қилиш, тиклаш ва улардан оқилона фойдаланиш, чўлланишга қарши курашиш, ерлар деградациясини тўхтатиш, биологик хилма-хилликни йўқолишини олдини олиш»¹га қаратилган вазифаларида белгиланган. Мазкур вазифалар тоғ ландшафтларда, табиий ҳамда антропоген омиллар таъсирида рўй бераётган чўлланиш жараёнларини мониторинг қилиш, уларнинг динамик ҳолатини баҳолаш ва карталаштиришни такомиллаштиришни тақозо этади.

Жаҳон миқёсида арид иқлимли ҳудудларда экологик вазиятнинг кескинлашиб бориши, ландшафтларга таъсир кўрсатувчи экологик юкни меъёрлаштириш, мониторинг ишларини узлуксиз амалга ошириб бориш, чўлланишни олдини олиш ва унга қарши курашишда илғор технологияларни қўллаш, яйлов кадастрларини ишлаб чиқиш, турли табиий жараёнларни акс эттирувчи ҳамда башоратловчи мавзули карталарни тузишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунга боғлиқ ҳолда таянч-тажриба участкалари ёрдамида трансект кесмасида «тўр усули»дан фойдаланиш натижасида чўлланишнинг кўлами ва жадаллигини аниқлашни такомиллаштириш, биохилма-ҳилликни сақлаш ва барқарорлаштириш борасида янгича илмий йўналишларга асосланган кенг қамровли тадқиқотлар олиб боришга устувор аҳамият берилмоқда.

Республикамизда чўлланишга қарши курашиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, яйловларни қайта тиклаш, ландшафтлар ҳолатини мониторинг қилиш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да «аҳолининг экологик ҳавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш» ва «атроф-табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларнинг олдини олиш»² алоҳида устувор йўналиш сифатида белгиланган. Бу борада, тоғ ва тоғ олди ландшафтларида чўлланиш жараёнининг кескин кучайишига таъсир этувчи омилларни тадқиқ қилиш, баҳолаш ҳамда таянч участкалари ёрдамида мониторинг тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 майдаги ЎРҚ - 538-сон «Яйловлар тўғрисидаги» Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-«2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини

¹ Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 год //Электронный доступ: <http://www.uz/undp/org/content/uzbekistan.ru>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 февралдаги ПҚ-4204-сонли «Ўзбекистон Республикасида чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» Қарори, ва мазкур фаолиятга тегишли бўлган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг VIII “Ер ҳақидаги фанлар”, V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” нинг устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чўлланиш муаммолари билан хорижда ва МДХ мамлакатларида R.Odinol, M.Verstrate, N.E. Dregne, Le Houerou H.N, J.C.Chernay, И.С.Зонн, М.Х.Глянц, Н.С.Орловский, Г.С.Куст, М.Г.Харин, Н.Т. Нечаева, В.Н. Николаев, М.Г.Харин, А.Г.Бабаев, В.А. Ковда, Л.С. Гаевская, К.Қурбонмуродов ва бошқа бир қатор олимлар илмий изланишлар олиб борган.

Ўзбекистонда чўлланиш жарёнининг турли ҳудудларда ривожланиши ва уни карталаштириш масалалари С.Б. Аббасов, А.Абдулқосимов, Л.А.Алибеков, А.А.Рафиқов, В.А.Рафиқов, В.А.Попов, В.Е.Чуб, Г.Ф.Тетюхин, А.В. Птичников, Т.Муқимов, А.Раҳматуллаев ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган.

Аммо, ушбу тадқиқот ишларида тоғ ва тоғолди ландшафтларида таянч-тажриба участкаси ташкил қилиш орқали мониторинг ва ўлчаш ишлари олиб борилмаган, чўлланиш жадаллиги ва тарқалиш кўламини баҳолаш карталари яратилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Самарқанд давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасидаги А-4-8 “Самарқанд вилоятининг электр-энергия берадиган шамол ресурсларини аниқлаш ва картасини тузиш” (2015-2017) амалий лойиҳаси; ОТ-Ф8-07 «Тоғ геосистемаларида чўлланиш жараёнини таянч-тажриба участкалар ёрдамида баҳолаш ва карталаштириш (Ғўбдин тоғи мисолида)» (2017-2020) фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тоғ ландшафтларида чўлланиш жараёнини дала таянч-тажриба участкаларда аниқлаш ва олинган микдорий кўрсаткичлар билан чўлланиш кўламини ва динамикасини очиқ бериш асосида илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ғўбдин тоғи ландшафтлари ва уларнинг морфологик структураси тузилишини таҳлил қилиш мақсадида Эшмонтўп қишлоғидан турли узоқликда мониторинг участкаларни ташкил қилиш;

мониторинг участкаларда (ёпиқ яйлов) ва очик яйловларда ўсимликлар ривожланишини, уларнинг тур ва сон жиҳатдан ўзгаришини, фитомассасини, тупроқ ювилишини аниқлаш асосида чўлланиш жадаллигини таққослаш;

Ғўбдин тоғ ландшафтларининг чўлланиш жараёнларини акс эттирувчи турли масштабдаги карталарини тайёрлаш;

тоғ ва тоғ олди табиий ҳудудий комплексларини чўлланиш даражаларини кўрсатувчи баҳолаш мезонларини такомиллаштириш;

Ғўбдин тоғ ва тоғ олди ландшафтларининг чўлланиш жараёнларини турли вақтдаги муддатли прогнозларини ишлаб чиқиш;

Чўлланишни олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида илмий-амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти Ғўбдин тоғи ва тоғ олди текислиги ландшафтлари ва уларнинг морфологик бирликлари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети тоғ ландшафтларида чўлланиш жараёнининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи табиий ва антропоген омилларнинг ўзаро боғлиқлигини, дала-тажриба тадқиқот усуллари ёрдамида баҳолаш ва карталарини тайёрлашдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида дала-тадқиқоти, таянч-экспериментал-тадқиқот, мониторинг, трансект кесмасида «тўр усули», картографик, таққослаш, геоботаник, табиий аналоглар, статистик, аэрокосмик, ландшафт-геокимёвий, ГИС технологиялари усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тоғ ва тоғолди ландшафт комплексларида чўлланиш жараёнини мониторинг қилишнинг трансект йўналишида «тўр усули» такомиллаштирилган;

Ғўбдин тоғ ва тоғолди ландшафтларининг чўлланиш даражаларини кўрсатувчи йирик (1:5000, 1:25000, 1:200000) масштабдаги карталари яратилган;

Ғўбдин тоғ ва тоғ олди ландшафтларининг чўлланиш жараёнларини (қисқа, ўрта, узоқ муддатли) прогнозлари ишлаб чиқилган;

чўлланишни олдини олиш, фитомелиоратив тадбирларни олиб бориш, шамолдан энергия олиш бўйича ва агрофитоценозлар яратиш таклифи ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

трансект кесмаси ва «тўр усули»дан фойдаланиш натижасида чўлланишнинг кўлами ва жадаллиги аниқланган ҳамда улар асосида чўлланиш карталари яратилган;

Ғўбдин тоғида қурғоқчиликка чидамли дарахт ва буталарни кўпайтириш йўли билан фитомелиоратив тадбирларни олиб боришга эришилган;

Ғўбдин тоғида белгиланган таянч-тадқиқот участкаларида ўсимликларни ривожланиши, уларнинг тур ва сонини ўзгариши, фитомассаси, тупроқ ювилишлари мониторинг қилиш орқали чўлланишнинг жадаллиги таққосланган;

тоғ ва тоғ олди табиий ҳудудий комплексларини чўлланиш даражаларини кўрсатувчи миқдорий баҳолаш мезонлари такомиллаштирилган;

Ғўбдин тоғ ва тоғ олди ландшафтларининг чўлланиш жараёнларини қисқа, ўрта, узоқ, ўта узоқ вақтдаги муддатли прогнозлари ишлаб чиқилган;

чўлланишни олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Диссертация тадқиқот натижаларининг ишончилиги Самарқанд вилояти ва Булунғур тумани статистика бошқармалари маълумотлари, Самарқанд вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси, Жомбой давлат Ўрмон хўжалиги бошқармаси маълумотлари, илмий тадқиқотларнинг замонавий усуллари электрон тахиометр асбобида нуқта ташлаш методи ёрдамида ландшафт карталар тузилганлиги, асосий маълумотлар экспедиция ва дала-тадқиқот, таянч-экспериментал-тадқиқот маълумотлари асосида турли карталар, чизмалар тайёрланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тоғ ландшафтларида чўлланиш жараёнининг дала-экспериментал усуллар ёрдамида ўрганилганлиги, унинг ривожланиши ва кўлами бўйича янги миқдорий натижалар олинганлиги, турли масштабдаги чўлланиш карталари тузилганлиги, чўлланишнинг олдини олиш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ғўбдин тоғида антропоген юкнинг ошиши туфайли рўй бераётган табиий инқирозининг олдини олишда, табиий ресурслардан, тоғ яйловларидан самарали фойдаланишда, табиатни муҳофаза қилишда, Ғўбдин тоғида ўрмонлаштириш ишларини амалга оширишда, фитомелиоратив тадбирларни амалга оширишда, Эшмонтўп қишлоғида шамол генераторини ўрнатиб, ундан электр-энергия олиш ишларини амалга оширишда хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тоғ ландшафтларида чўлланиш жараёнини таянч-тажриба участкалари ёрдамида карталаштириш ва баҳолаш (Ғўбдин тоғи мисолида) бўйича олинган тадқиқот натижалари ва хулосалари асосида:

Ғўбдин тоғида ўрнатилган таянч-экспериментал участкаларда ўсимликлар деградациясини аниқлаш ва тупроқ эрозиясига қарши олиб борилган чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида республикада яйловларнинг ўсимликлар ҳолатини мониторингини ўтказиш амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 17 февралдаги 02-02/8-162-сон

маълумотномаси). Натижада, Ғўбдин тоғида чўлланиш жадаллигини, кўламини миқдорий баҳолаш имконияти яратиш ва тоғ яйловларидан самарали фойдаланиш имконини берган;

дала-экспериментал миқдорий маълумотлари асосида чўлланиш жадаллиги ва кўламини кўрсатувчи (1:5000, 1:25000, 1:200 000) масштабли чўлланиш карталари Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 17 февралдаги 02-02/8-162-сон маълумотномаси). Натижада, тоғ ландшафтларидан оқилона фойдаланиш ва яйлов сифимини меъёрлаштиришда ушбу карталардан асос сифатида фойдаланиш имконини берган;

Ғубдин тоғ ва тоғолди ландшафтларининг чўлланиш жараёнларини қисқа, ўрта ва узоқ муддатли прогнозлари Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 17 февралдаги 02-02/8-162-сон маълумотномаси). Натижада, яйловлардан такрор фойдаланишга доир тадбирлар, яйловларда ўсимлик қопламини сақлаб туриш ва келажакдаги ўзгаришларини аниқлаш каби вазифалар ечимини топиш имконини берган;

Ғўбдин тоғининг чўлланиш жараёнини «тўр усули»да карталаштириш орқали баҳолашга доир илмий натижалар Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2020 йил 10 мартдаги 05-21-733-сон маълумотномаси). Натижада, ўрмон хўжалигида иқтисодий даромадни оширишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 10 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 27 та илмий иш жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 7 та мақола, жумладан, 6 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг матн қисми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида бажарилган тадқиқотнинг долзарблиги ва ўрганиш зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект

ва предметлари белгилаб олинган, шунингдек, Республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг илмий амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Чўлланишни географик– экологик баҳолашнинг методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида чўлланиш ва унинг келиб чиқишига таъсир кўрсатувчи табиий ва антропоген омиллар ҳамда чўлланишни баҳолашдаги асосий методологик ёндашувлар ва чўлланиш индикаторлари ҳамда баҳолаш мезонлари ёритилган.

Бугунги кунда чўлланиш атамасига дунё миқёсида мутахассислар берган таърифлар жуда кўп бўлиб, улардан бири, БМТнинг чўлланишга қарши курашиш Конвенциясида келтирилган «Чўлланиш деб - турли омиллар, шу жумладан иқлим ўзгариши ва инсон фаолияти таъсирида арид, семиарид ва субгумид регионларда ерлар деградациясига» таърифидир. Тадқиқот ишида чўлланиш тушунчасини ёритишда БМТ томонидан таъкидланган таърифга асосланди.

Иқлим чўлланишга таъсир кўрсатадиган энг кучли табиий омиллардан ҳисобланади. Иқлимнинг чўлланишга таъсир кўрсатиши В.А.Ковда, Н.С.Орловский, Н.Г.Харин, И.С.Зонн, Н.С.Орловский А.Г.Бабаев, А.А.Рафиқов, А.Б.Птичников, С.Б.Аббосов, В.А.Попов ва бошқа олимлар томонидан батафсил ўрганилган.

Ғўбдин тоғида чўлланиш жараёнига таъсир кўрсатувчи иқлим омилларини ўрганиш мақсадида Третьяков ёғин ўлчагичи ва шамол тезлиги ва йўналишини ўлчайдиган анеморумбометр асбоблари 2015 йилда Эшмонтўп қишлоғига ўрнатилди ва бу асбоблар кўрсаткичлари ҳозиргача дафтарларда қайд қилиб борилмоқда. Ёғин ўлчагич асбобидан олинган маълумотлар ёғин миқдори, ва ўсимликлар мўллиги ва ривожланиши ўртасида боғлиқликни ҳамда қудуқ сувлари йиллик режими ўртасидаги боғлиқликни таққослашда фойдаланилди. Шамол ўлчагич асбоби маълумотлари ёрдамида йиллар давомида шамол тезлигининг такрорланиши ва уларнинг тупроқ эрозияси, ўсимликлар ривожланишига таъсири ўрганилди. Анеморумбометр асбобидан олинган беш йиллик маълумотлар таҳлили, Ғўбдин тоғининг шарқий қисми Самарқанд вилояти бўйича шамол энг кучли эсадиган ҳудудлардан бири эканлигини кўрсатди. Бу ҳудудда шамолнинг ўртача тезлиги 4-5 м/сек бўлиб, тезлиги 10 м/сек дан ошадиган шамоллар тез-тез такрорланиб туриши аниқланди.

Чўлланишга кучли таъсир кўрсатадиган антропоген омиллардан бири чорва моллари ҳисобланади. Аҳоли сонининг ўсиб бориши билан чорва моллар сонининг кўпайиб бориши Эшмонтўп қишлоғи мисолида таҳлил қилинди. Бунинг учун 1968 ва 2018 йиллар давомида қишлоқда аҳоли сони ва

чорва моллари сонининг кўпайиши бўйича 60 йиллик статистик маълумотлар таҳлил қилинди. Эшмонтўп қишлоғини модель участка деб ҳисобланди ва ушбу қишлоқ бўйича олинган маълумотлар Ғўбдин тоғининг бошқа қишлоқлари атрофларидаги рўй бераётган чўлланиш жараёни билан таққосланилди. Олинган натижалар бошқа қишлоқлар ва уларнинг атрофларида содир бўлаётган чўлланиш жадаллиги ва кўламига ўхшаш эканлиги исботланди.

Чўлланишни баҳолашда табиатнинг алоҳида компонентлари таҳлиliga асосланган ва комплекс таҳлиliga асосланган икки хил методологик ёндашув мавжуд. Биз тадқиқот ишларида интеграл ёндашувни, яъни барча компонентлар, ёки бир неча компонентларнинг комплекс таҳлиliga асосландик. Бунда тупроқ эрозияси, ўсимликлар деградацияси, ер усти ва ер ости сувлари, микро иқлим элементларидаги ўзгаришлар ҳамда турли хил геологик-геоморфологик жараёнлар биргаликда таҳлил қилинди.

Чўлланиш индикаторлари – чўлланиш белгиларини аниқлайдиган восита бўлиб, бу усул Н.Т.Нечаева, А.Г.Бабаев, Б.В.Виноградов, И.С.Зонн, Б.А.Бабаев, А.А.Рафиқов, Н.Г.Харин ва бошқаларнинг ишларида берилган. А.А.Рафиқов чўлланиш индикаторларини тўққиз гуруҳга бўлган. Бунга кумли чўл, гилли чўл, воҳа ландшафтлари инobatга олинган ва чўлланиш индикаторларининг изоҳи берилган. Ушбу тадқиқот ишида улардан тоғ ландшафтларига тўғри келадиган индикаторлар олинди ва тоғ шароитига қараб баъзи ўзгартиришлар киритилди.

Чўлланишни баҳолаш мезонларини ишлаб чиққан мутахассис олимлар (Н.Г.Харин, А.Т.Нечаева, Г.С.Куст, А.А.Рафиқов, С.Б.Аббосов ва бошқ.) чўлланиш даражасини тўртта синфга ажратишган: кучсиз, ўртача, кучли ва ўта кучли. Шулардан асосий индикаторлар ҳисобланган ўсимликлар деградацияси ва тупроқ ювилиши 10% гача бўлса кучсиз чўлланган, 10-15% гача ўртача чўлланган, 25-50% гача кучли чўлланган ва 50% дан ортиқ бўлса жуда кучли чўлланган синфларга киритилган. Баъзи тадқиқотчиларда бу рақамларда биров ўзгаришлар бор. А.А.Рафиқовнинг (1988) кейинги ишларида чўлланиш мезонлари олтига синфга ажратилган: 1)чўлланиш йўқ; 2) кучсиз чўлланган; 3)ўртача чўлланган; 4)кучли чўлланган; 5)жуда кучли чўлланган; 6)турли даражада чўлланган. Тадқиқот ишида ушбу олти босқичли мезондан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Чўлланишни ўрганишда Ғўбдин тоғининг объект сифатида танланиши ва ландшафт тузилиши**» деб номланган иккинчи бобида асосан, Ғўбдин тоғининг тадқиқот объекти сифатида танланиши ва табиий географик хусусиятларига тавсифланган, Ғўбдин тоғининг ландшафт тузилиши ва чўлланишни комплекс географик таҳлил қилинган, Ғўбдин тоғининг табиий ресурсларидан фойдаланиш ва рўй бераётган табиий географик жараёнлар ёритилган.

Ғўбдин тоғ массиви Ўрта Зарафшонда жойлашган ўртача баландликдаги тоғлардан бўлиб, уни Самарқанд шаҳридан узоқлиги 30-35 км ни ташкил қилади. Ғўбдин тоғидаги асосий илмий тадқиқотлар Самарқанд шаҳри билан Ғўбдин тоғлар оралиғидаги масофанинг яқинлиги ҳам муҳим роль ўйнайди. Геологлар, геоморфологлар, табиий географлар, геоботаниклар, тупроқшунослар ва бошқа табиатни ўрганувчи тадқиқотчилар Нурота тоғлари тизимига кирувчи ушбу тоғ табиати тўғрисида кўплаб маълумотлар келтирган.

Ғўбдин тоғи Нурота тоғлар тизимига киради, Помир-Олой тоғларининг ғарбида жойлашган Туркистон тизмасининг ғарбий тоғ массивларидан бири ҳисобланади. У жанубда Зарафшон водийси, шимолдан Ғаллаорол-Қўшработ ботиғи билан, ғарбда Қуруксой сойи орқали Қорачатоғ билан чегараланган, шарқда Сангзор водийси орқали Чумқортоғ ва Молгузар тоғларидан ажралиб туради. Маъмурий жихатдан Ғўбдин тоғининг жанубий ёнбағирлари Самарқанд вилоятининг Булунғур туманига, шимолий ёнбағирлари Жиззах вилоятининг Ғалларол туманига қарайди. Ғўбдин тоғи шарқдан ғарбга 41 км чўзилган, шимолдан жанубга энг кенг жойи 18 км ни ташкил қилади. Унинг энг баланд чўққиси денгиз сатҳидан 1672,8 метр кўтарилган бўлиб, тоғнинг ўрта қисмига тўғри келади. Ушбу баландликдан ғарбга ва шарқга томон тоғ пасайиб боради.

Асосий таянч-тадқиқот участка Эшмонтўп қишлоғи ҳамда унинг атрофлари танланган бўлсада, тадқиқот олиб борилган йиллар давомида тоғнинг жанубий ёнбағиридаги Ингичкасой ҳавзаси, унинг ғарбий томонида жойлашган Каттасой, Қадамжасойлар, тоғнинг шимолий ёнбағиридаги қатор қишлоқлар, сойлар ҳавзалари реконцировка методи ёрдамида ўрганилди, ҳамда Эшмонтўп қишлоғи атрофларида рўй бераётган чўлланиш жараёни билан таққосланилди.

Тадқиқот давомида Ғўбдин тоғи ва тоғ олди текисликлари генезис бўйича алоҳида ландшафтларга ажратилди ва ландшафт картаси ҳамда ландшафт кесмаси тузилди. Ландшафтларни морфологик бирликларга ажратишда ёнбағирлар экспозицияси, баландлик, тоғ жинслар ва ётқизиклар генезиси, қияликлар катталиги инобатга олинди. Ландшафтларнинг ички тузилишида уларнинг морфологик тузилиши таҳлилига асосланилди ва қуйидаги морфологик бирликлар гуруҳи қабул қилинди: «жой», урочише, подурочише, фация. Тузилиши бўйича урочишелар мураккаб ва оддий урочишеларга бўлиб ўрганилди. «жой» комплекси ва урочишелар ландшафт картасида кўрсатилди. Оддий урочише, подурочише ва фация бирликлар Эшмонтўп қишлоғи ва атрофлари учун тузилган йирик масштабли (1:5000) ландшафт картада берилди.

Ландшафтларнинг морфологик бирликлари ҳам ландшафт ичида табиий жихатдан фарқ қилиб турувчи табиат яралмалари бўлиб, улар ташқаридан бўладиган табиий ва антропоген таъсирларга турлича реакция беради, шу

сабабли ҳам, уларда рўй бераётган чўлланиш жадаллиги ҳам бир хил эмас. Ушбу ҳолат Ғўбдин тоғини ландшафтларга ва ландшафт ичидаги морфологик бирликларга ажратиш заруратини келтириб чиқарди. Бу боғлиқлик Ғўбдин тоғи ва унинг алоҳида қисмлари учун тузилган чўлланиш картасида ўз аксини топди. Тоғ ландшафтларининг ички тузилиши баландликка боғлиқ, компонентлардаги ўзгаришларни таҳлил қилишда ландшафт кесмасини ўтказишнинг аҳамияти катта ҳисобланади. Ғўбдин тоғи бўйича кўндаланг ландшафт кесмаси тоғнинг энг баланд нуктасидан шимол ва жанубга томон тоғ йўналишига перпендикуляр ҳолатда тоғ олди текисликларининг чекка қисмига қадар ўтказилди. Ғўбдин тоғи шарқдан-ғарбга томон кенглик бўйича чўзилганлиги туфайли унинг шимолий ҳамда жанубий ёнбағирлари табиатидаги фарқлар аниқ кўриниб туради. Сўзсиз, чўлланиш чегара билмайди, лекин, уларнинг жадаллиги турли геосистемаларда турлича рўй беради. Шу сабабдан ҳам чўлланиш карталари учун ландшафт карталарини асос қилиб олинди.

Диссертациянинг «Ғўбдин тоғи ландшафтларида чўлланиш жараёнини таянч-экспериментал участкаларда ўрганиш» деб аталган учинчи боби, чўлланиш жараёнини ўрганиш бўйича олиб борилаётган тадқиқот усуллари, чўлланиш жадаллиги ва кўламини трансект кесмасида «тўр усули» ёрдамида ўрганиш, мониторинг майдончалар ва очиқ яйловларда ўсимликлар динамикасини аниқлаш каби параграфлар асосида ёритилган.

Чўлланишга учраган ҳудудларни ўрганишда турли хил усуллардан фойдаланилади. Тадқиқотнинг мазмуни-моҳиятига кўра, уларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин: 1) масофавий усул; 2) экспедиция усули; 3) таянч-тажриба участкалар ёрдамида ўрганиш усули; 4) ландшафт-экологик карталаштириш усули; 5) Трансект кесмасида «тўр усули».

Тадқиқот давомида ушбу усуллардан турли даражада фойдаланилди. Космик суратлардан Ғўбдин тоғи ва тоғолди текисликларидаги геосистемаларнинг чегараларини ўтказишда, қишлоқларнинг ҳозирги тарқалиши ва жойлашиш ҳолатини кўрсатишда, Трансект кесмасидаги участкаларнинг жойларини аниқлашда фойдаланилди. Экспедиция усули орқали, асосан геосистемалар ва чўлланиш чегараларига аниқлик киритиш ва чўлланиш жадаллиги ўрганилди. Таянч-тажрибалар усули билан яйловларнинг таназзуллик ҳолати ва ундаги деградация жараёнлари кўпгина кўшимча ёрдамчи усуллар ёрдамида таҳлил қилинди. Ландшафт-экологик карталаштириш усулида табиатдаги таназзуллик даражаси картага тушириш йўли орқали ўрганилди. Ушбу тадқиқот ишида юқоридаги усуллар билан биргаликда трансект кесмаси танланиб, унда алоҳида таянч-участкалар олиниб, «тўр усули» да чўлланиш ҳолати ўрганилди. Бу усулдан геоботаник В.Култиасов (1927) фойдаланган.

Бу усул мазмуни бўйича ландшафтан ўтказиладиган кўндаланг ландшафт, геоморфологик, ботаник, тупроқ кесмаларига ўхшайди. Бу

кесмалар айнан битта чизикдаги ўзгаришларни тушунтиради. Трансект кесмаси эса бир неча ўн, юз метр кенгликдаги ўзгаришларни тушунтиради. Ушбу тадқиқот ишида тажриба участка марказидан, яни Эшмонтўп қишлоғидан шимоли - ғарбий йўналиш бўйича яйловларда мол боқиш туфайли ўсимликларнинг камайиши, тупроқларнинг ювилиши, умуман чўлланиш жараёнининг ўзгаришларини қишлоқдан узоқлашган сари қандай жадалликда бораётганини ўрганиш мақсад қилиб қўйилган.

Бу тадқиқот усулидан фойдаланиш қуйидагича амалга оширилди: Эшмонтўп қишлоғидан чорва моллари кўп боқиладиган шимоли-ғарб йўналишда, Ғўбдин тоғи томон 5000 метр масофада тадқиқот йўлаги олинди. Масофанинг бу кўрсаткичда олиншидан мақсад тоғ шароитида яйловлардан фойдаланишда чорва молларининг қишлоқдан бир кунлик ўртача узоқлашиши 5000 метрни ташкил қилади. Ушбу танланган 5000 метр тадқиқот йўлагида (трансект) ўсимликлар деградацияси, тупроқлар ювилиши ва бошқа табиий ўзгаришларни ўрганиш учун турли узоқликда таянч-тажриба тадқиқот участкалари белгилаб олинди. Булар трансект йўналишида қуйидагича жойлаштирилди: 1)қишлоқдан 500 метр, 2)1500 метр, 3)3000 метр, 4)5000 метр. Таянч-тадқиқот участкаларининг бундай танланишига сабаб – қишлоқдан узоқлашган сари чорва молларининг яйлов табиатига таъсирини ўзгариб боришини баҳолашдан иборатдир.

1-жадвал

Мониторинг участкада чорва – моллари учун яхши озуқабоп, кам озуқабоп ўсимликлар рўйхати.

| T/ P | Энг кўп учрайдиган озуқабоп ўсимликларининг ўзбекча номи | Латинча номи | Энг кўп учрайдиган бегона ўтларнинг ўзбекча номи | Латинча номи |
|---------|--|-----------------------------------|--|-------------------------------------|
| 1 | Чўл қиёғи | <i>Carex pachystylis</i> | Оққуврай | <i>Psoralea drupacea</i> |
| 2 | Қўнғирбош | <i>Poa bulbosa</i> | Қўзиқулоқ | <i>Phlomis thapsoides</i> |
| 3 | Туркистон читири | <i>Strigosella turkestanica</i> | Мингбош | <i>Convolvulus subhirsutus</i> |
| 4 | Нўхатак | <i>Astragalus filicaulis</i> | Қилтиқ | <i>Taeniatherum crinitum</i> |
| 5 | Афенафлаура | <i>Afphanopleura capillifolia</i> | Какра | <i>Acroptilon repens</i> |
| 6 | Ёввойи арпа | <i>Hordeum spontanum</i> | Исириқ | <i>Peganum harmala</i> |
| 7 | Касмалдак | <i>Aegilops crassa</i> | Газакўт | <i>Gentiana oliverii Griseb</i> |
| 8 | Тароқбош | <i>Bromus danthoniae</i> | Дастарбош | <i>Toentum crinitum</i> |
| 9 | Янтоқ | <i>Alhagi Pseudoalhagi</i> | Айиқтовон | <i>Ranunculus repens</i> |
| 10 | Каррак | <i>Cousinia resinosa</i> | Оқмия | <i>Pseudosophorae alopecu rodes</i> |
| 11 | Читир | <i>Malcolima africana</i> | Мингдевона | <i>Hyoscyamus niger</i> |
| 12 | Бурчок | <i>Lathyrus sativus L</i> | Совунўт | <i>Anagallis arvensis</i> |
| 13 | Қўйпечак | <i>Convolvulus arvensis</i> | Янтоқ | <i>Alhagi Pseudalhagi</i> |

Манба:Қ. Ҳайдаров, Қ. Ҳожиматов (1992) П.Зокиров (1969) ва бошқаларнинг асарлари асосида

Таянч-тадқиқот участкаларининг ҳар бирида тадқиқот қуйидаги усулда бажарилди. Даставвал эни ва бўйи 10 метр узунликда 100 м^2 жой танланди ва у 1 м^2 ли катакчаларга бўлинди. Ҳар бир катакчадаги ўсимликлар турлари, уларнинг мўллиги Друде ва Комаров шкалалари ёрдамида аниқланди, проектив қоплам, тупроқларнинг ювилиши, очилиб қолган ер юзаси ўлчаниб, ушбу участка планига туширилди. Ўсимликлар орасидаги яхши озучабоп, кам озучабоп турлар саналиб, уларнинг ҳиссаси диаграммаларда кўрсатилди. Таянч-участкаларнинг ҳар бири бўйича тузилган планда доминант ўсимликлар турлари, чорва моллари юришидан ҳосил бўлган йўлаклар, сув эрозияси шаклчалари ва бошқа ўзгаришлар участкалар планда берилди. Кучли чўлланган ерлар, ўсимликлар проектив қоплами, яхши озучабоп ва кам озучабоп ўсимликлар ҳар битта жой планида ҳисоблаб чиқилди ва уларнинг миқдорий кўрсаткичлари ва номлари диаграммаларда ҳамда жадвалларда берилди. (1-жадвал)


1-2-расмда трансект кесмасидаги биринчи ва тўртинчи участкалар плани, диаграммалар таққослаш учун берилган. Буларда қишлоққа яқин ва узоқ масофаларда чўлланиш жараёнининг жадаллигидаги миқдорий кўрсаткичлар яхши кўриниб турибди.

Кучли чўлланган яйловларда ўсимликларнинг вақт давомида тикланишини ўрганиш мақсадида Ғўбдин тоғининг шарқий қисмида Эшмонтўп қишлоғи атрофида сим тўсиқлар билан ўралган учта мониторинг майдончалари 2011 йилда ташкил қилинди. Уларнинг биринчиси қишлоқдан 500 метр масофада бўлиб, катталиги 21 м^2 , иккинчиси 1300 метр узоқликда, майдони $2,5\text{ м}^2$ ва учинчиси 1500 метр узоқликда майдони $2,5\text{ м}^2$.


Биринчи мониторинг майдончасида монолит тош қовланиб, учта дарахт ва дарахтчалар экилди: арча (*Juniperus seravshanica*), қайрағоч (*Ulmus pumila*), ва бодомча (*Amygdalus spinosissima*). Дарахтларни экишдан мақсад – арид иқлим шароитида тошлоқ муҳитда уларнинг ўсиш ёки ўсмаслигини синаб кўриш эди. Ҳар учала дарахт саккиз йил давомида (2012-2019) экилган вақтига нисбатан 2,5-3,0 бараварга ўсди, ва ҳозир ҳам яхши ривожланмоқда (3-расм).

Мониторинг майдончалари (ёпиқ яйлов) ва очик яйловларда 2011 ва 2019 йиллар давомида ўсимликлар ривожланишида қуйидаги ўзгаришлар кузатилди. Ҳар учала мониторинг майдончалари атрофларида июль-сентябрь ойларида ўсимликларнинг проектив қоплами 15-20% ни, намгарчилик яхши йиллари 20-30% ни ва фитомасса 0,5 ц/га ни ташкил қилади.


Биринчи мониторинг майдончасида саккиз йил давомида ўсимлик проектив қоплами 95% га, фитомасса 5 ц/га етди. Иккинчи ва учинчи мониторинг майдончаларида проектив қоплам 60-65% га, фитомасса 1,5-2,0 ц/га ни ташкил қилди. Иккинчи ва учинчи мониторинг майдончаларида биринчи мониторинг майдончасига нисбатан ўсимликлар тикланиши ва ривожланишининг сустиги, уларнинг жанубий очик ёнбағирларда жойлашганлиги билан боғлиқ.




1-расм. Ғўбдин тоғида Эшмонтўп қишлоғидан 500 метр шимол томонда жойлашган 1-таянч-тажриба участкасида доминант ўсимликлар тарқалиши ва тупроқлар ювилишини кўрсатувчи жой плани.



2-расм. Ғўбдин тоғида Эшмонтўп қишлоғидан 5000 метр шимоли-ғарбда жойлашган 4-таянч-тажриба участкасида доминант ўсимликлар тарқалиши ва тупроқлар ювилишини кўрсатувчи жой плани



3-расм. Булунғур тумани Эшмонтўп қишлоғига экилган дарахт ва буталарнинг ривожланиши (см)



4-расм. Ғўбдин тоғининг чўлланиш схематик картаси

Диссертациянинг «Чўлланишни баҳоловчи карталар тузиш, башоратлаш ва олдини олиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи бобида, чўлланиш карталарини тузиш, қисқа ва узок муддатли башоратлаш, чўлланишни юмшатиш ва олдини олиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш масалаларига бағишланган. Ғўбдин тоғида чўлланиш кўламини баҳоловчи уч хил масштабни карталар тузилди: жуда йирик (1:5000), йирик (1:25 000) ва ўрта масштабни (1:200 000). Чўлланиш карталарига асос сифатида ландшафт карталари олинди. Булардан авторефератда Ғўбдин тоғининг чўлланиш картаси берилган (4-расм). Унда чўлланиш даражаси олти хилдаги ранглар билан тасвирланган: 1) жуда кучли чўлланган; 2) кучли чўлланган; 3) ўртача чўлланган; 4) кучсиз чўлланган; 5) жуда кучсиз чўлланган; 6) аралаш чўлланган. Жуда кучли чўлланган ҳудудлар қишлоқлар атрофларини 500-1000 метр масофада кучли чўлланган ҳудудлар 1000-2000 метр масофада ҳалқасимон ўраб туради. Кейин 3000 метргача ўртача ва 5000 метргача кучсиз чўлланган ҳудудлар жойлашган. Жуда кучсиз чўлланган ҳудудлар қишлоқлардан 5000 метр масофадан узокда сақланиб қолган. Аралаш чўлланган ҳудудлар картада алоҳида рангда берилган бўлиб, бу ҳудудда жуда кучли, кучли, ўртача, ва кучсиз чўлланган ёки уларнинг бир неча турлари ёнма-ён жойлашиши мумкин.

Бу тоифадаги чўлланган ҳудудлар тоғолди текисликларида жойлашган бўлиб, инсон хўжалик фаолиятининг турли хилдаги таъсирлари билан боғлиқ. Картадаги чўлланиш чегаралари ландшафт картасидаги ландшафт

«жой», урочише чегараларига маълум даражада тўғри келади, бу айниқса, геосистемаларнинг алоҳида табиат яралмалари эканлигидан ва шу туфайли ташқи таъсирга турлича реакция беришини билдириб турибди.

Тоғ ва тоғ олди ландшафтларида чўлланишни башоратлаш мезонларини ишлаб чиқиш қисқа (3-5 йил), ўрта (10-15 йил), узок (бир неча ўн йил), ўта узок (минг йил ва ундан кўпроқ) муддатли прогнозларга асосланди. Чўлланишнинг асосий сабаби сифатида антропоген юкнинг таъсири олинди, иқлим ўзгариши ёрдамчи кўрсаткич сифатида фойдаланилди. Ғўбдин тоғида яйлов ҳосилдорлиги ва чорва моллар сони ҳисоблаб чиқилди. Ҳозирги чорва моллар сони яйлов сифидан катталиги аниқланди. 10-15 йил давомида аҳоли сони ва чорва моллар сони 15% гача кўпайиши ҳисоблаб чиқилди, бу ўз навбатида чўлланиш жараёнини янада 10-15% ортишига олиб келиши башорат қилинди.

Тадқиқотлар давомида, Ғўбдин тоғи табиатида кучли чўлланиш жараёни ривожланиши кузатилди. Ушбу вазиятни оптималлаштиришда энг аввало мониторинг тизимини такомиллаштириш зурур бўлади. Бунинг учун дастлаб қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш керак бўлади. Тоғдаги дарахт ва буталарни қирқишни қатъиян тўхтатиш, яйловлардан илмий асосланган дастур асосида бир текис ва рационал фойдаланиш, фитомелиоратив тадбирларни амалга ошириш, сунъий агрофитоценозлар ташкил қилиш, қуёш ва шамол энергияларидан фойдаланган ҳолда суғорма яйловларни яратиш, яйловларда деградация жараёнини кузатиш мақсадида мониторинг учсаткаларини ташкил қилиш ва уларни такомиллаштириш зарур бўлади.

Ғўбдин тоғида чўлланиш жараёнини тадқиқ қилишда қуйидаги ҳодисалар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик қоидалари ва қонуниятларини аниқландик:

1. Чорва моллари сонининг ошиши ва яйловлар таназзуллиги ўртасида корреляцион боғлиқликнинг борлиги ва инсон таъсири ошиши билан бу боғлиқликнинг кучайиб бораётганлиги;

2. Чўлланиш жараёнининг қишлоқлар атрофларида халқасимон шаклда тарқалиши ва унинг кўлами қишлоқ аҳолиси сони билан боғлиқ ҳолда ошиб бориши. Бу ҳолат диссертацияда алоҳида гипотетик моделлар ёрдамида тасвирланди;

3. Ғўбдин тоғида чорва моллари сони яйлов сифимиға нисбатан катталиги туфайли «жуда кучли» «кучли», тоифадаги чўлланган ҳудудлар майдони «ўртача чўлланган» ҳудудлар томон кенгайиб бораётганлиги;

ХУЛОСА

Тадқиқот натижасида олинган маълумотлар, ҳамда уларнинг таҳлили қуйидаги хулосалар чиқарилди:

1. Чўлланиш жадаллиги ва кўламини ўрганиш мақсадида Эшмонтўп қишлоғидан шимоли-шарқ томонда 5000 метр масофада трансект йўлаги танланди ва унда турли масофаларда (500 м, 1500 м, 3000 м, 5000 м) таянч-участкалари белгиланиб, ҳар 100 м² участкада «тўр усули» ёрдамида ўсимликларнинг таркиби, мўллиги, фитомасса, озуқабоп ва камозуқабоп ўсимликлар миқдори, очилиб қолган ер юзаси, тупроқ ювилиши ўлчанди.

2. Чўлланиш натижасида таназзулга учраган ўсимликларнинг тикланишини кузатиш ва Эшмонтўп қишлоғидаги тошлоқ муҳитда дарахт ва буталарнинг табиий шароитда ўсиш-ўсмаслигини кузатиш мақсадида 2011 йил қишлоқдан турли узоқликда (500 м, 1300 м, 1500 м) симлар билан тўсилган учта мониторинг майдончалар ўрнатилди. Бу каби таянч тадқиқот нуқталарда тоғ ва тоғ олди ландшафтларининг ўсимликлари биомассаси ҳамда унинг проектив қопламларини аниқланади.

3. Ғўбдин тоғининг ландшафт картасини тузишда «жой» ва «урочища» морфологик бирликларидан фойдаланилди. Чўлланиш карталарини яратишда ушбу таксономик бирликларини қўллаш табиий ҳудудий комплексларида чўлланиш жараёнларини белгилаш учун муҳим ҳисобланади.

4. Табиий ҳудудий комплекс компонентларидаги миқдор ва сифат ўзгаришларни баҳолаш асосида Ғўбдин тоғ ва тоғ олди ландшафтларини уч хилдаги йирик (1:5000, 1:25000, 1:200000) масштаби чўлланиш карталари тузилди. Ушбу карталар чўлланишни олдини олишда ва унга қарши курашишда самарали фойдаланиш имконини яратади.

5. Чўлланишга таъсир кўрсатувчи табиий омилларни (шамол, ёғин миқдори) ўрганиш давомида Эшмонтўп қишлоғи Самарқанд вилоятидаги энг кучли ва энг кўп шамол эсадиган жой эканлиги аниқланди. Шамол энг кучли ва энг кўп эсадиган ҳудудларда шамол энергиясидан фойдаланишни такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

6. Чўлланишнинг асосий сабаби сифатида антропоген юкнинг таъсири олиниб, яйлов маҳсулдорлиги ва чорва моллари сони ҳисоблаш асосида чорва моллари сонининг яйлов сифимидан катталиги аниқланди. Бу ҳолат келажакда чорва молларини Ғўбдин тоғида янада ортишини кўрсатади.

7. Тоғ ва тоғ олди ландшафтларининг чўлланиш индикаторларини аниқлаш асосида ўсимлик қоплами деградацияси ва тупроқ эррозиясини баҳолаш (жуда кучсиз 15%, кучсиз 15-30%, ўртача 30-45%, кучли 45-60%, жуда кучли 60 % юқори, аралаш 20-60%) мезонлари такомиллаштирилди. Ишлаб чиқилган мезонлардан чўлланиш даражаларини аниқлашда фойдаланиш мумкин.

8. Ёўбдин тоғи табиатини яхшилаш, чўлланишни юмшатиш, олдини олишда тоғдаги дарахт ва буталарни қирқишни қатъиян тўхтатиш ва маҳаллий қурғоқчиликка чидамли турларни экиб дарахтзор, бутазорларни кўпайтириш, яйловлардан илмий асосланган дастур асосида бир текис ҳамда рационал фойдаланиш, яйловларни яхшилаш учун фитомелиоратив тадбирларни амалга ошириш, яйловлар ҳосилдорлигини оширишда сунъий агрофитоценозлар ташкил қилиш чора-тадбирлари таклиф этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ДЖИЗАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

АДИЛОВА ОЗОДА АМОНОВНА

**КАРТОГРАФИРОВАНИЕ И ОЦЕНКА ПРОЦЕССА
ОПУСТЫНИВАНИЯ В ГОРНЫХ ЛАНДШАФТАХ ПРИ ПОМОЩИ
ОПОРНО-ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНЫХ УЧАСТКОВ
(на примере Гобдинтау)**

11.00.01 – Физическая география

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам

Самарканд – 2020

Диссертация доктора философии по географическим наукам (PhD) зарегистрирована за номером В2017.4.PhD/Gr29 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Джизакском государственном педагогическом институте. Автореферат диссертации размещен на трех (узбекский, русский, английский (резюме)) языках на веб-странице Научного совета (samdu.uz) и Информационно-образовательном портале "Ziynet" (www.ziynet.uz).

| | |
|-------------------------------|---|
| Научный руководитель: | Рахматуллаев Арзимурад доктор географических наук (DSc) |
| Официальные оппоненты: | Алибеков Лапас Алибекович доктор географических наук, профессор Юлдашов Абдоржон Убайдуллоевич кандидант географических наук, доцент |
| Ведущая организация: | Ташкентский государственный педагогический институт |

Защита диссертации состоится "20" 08 2020 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07 по присуждению ученых степеней при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15 дом, Самаркандский государственный университет, главный корпус 105-аудитория Тел.: +99866 239-16-36, факс: +99866 239-11-40; E-mail: ik-geografiya@mail.ru Самаркандский государственный университет, факультет географии и экологии).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (Зарегистрирована за № 48). Адрес: 140104, г Самарканд, Университетский бульвар, 15.Тел: +99866 233-60-87.

Автореферат диссертации разослан "05" 08 2020 года.
(реестр протокола рассылки) № 9 от "05" 08 2020 года).



С.Б.Аббосов
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.г.н.

Б.А.Мелиев
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, PhD по географическим наукам

А.Рахматуллаев
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.г.н.(DSc)

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Возникновение проблемы опустынивания в мире зависит от непрерывного увеличения количества населения и, в связи с этим, взаимосвязанно развивается с повышением антропогенной нагрузки на ландшафты. Задачи, направленные на решение проблем такого рода, указаны в программе ООН по стабильному развитию до 2030 года в 15 пункте «об охране и восстановлении экосистемы на суше, о её разумном использовании, борьбе против опустынивания, предотвращении деградации земель, профилактике исчезновения биологической разновидности»³. Данные задачи способствуют ведению мониторинга процессов опустынивания, происходящих в горных ландшафтах под воздействием природных и антропогенных факторов, оценке их динамических процессов и совершенствованию картографирования.

Обострение в мире экологического положения на территориях с аридным климатом требует решения вопросов по нормализации экологической нагрузки, воздействующей на ландшафты, о непрерывном осуществлении мониторинга работ, профилактике опустынивания и при применении передовых технологий в борьбе против опустынивания, разработке кадастров пастбищ, разработке тематических карт, прогнозирующих и отражающих различные природные процессы. При помощи опорно-экспериментальных участков в результате использования «метода сетки» трансектного разреза по вопросам совершенствования определения масштаба и интенсивности опустынивания, сохранения и стабилизации биологической разновидности придаётся приоритетное значение широкомасштабным исследованиям, основанным на новых научных направлениях.

В нашей республике осуществляется ряд мероприятий по борьбе с опустыниванием, по разумному использованию природных ресурсов, восстановлению пастбищ, мониторингу положения ландшафтов. Указ Президента Республики Узбекистан ПП-1947 от 7 февраля 2017г. «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017—2021 годах»⁴. В этой связи исследование и оценка факторов, влияющих на резкое обострение процессов опустынивания в горных и предгорных ландшафтах, совершенствование системы мониторинга при помощи опорных участков имеет важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени может послужить при реализации задач, предусмотренных в нормативно-правовых документах, таких, как Закон Республики Узбекистан за номером 538 от 20 мая 2019 года «О пастбищах», Постановление Президента Республики Узбекистан ПФ- 5863 от 30 октября 2019 года «Об утверждении концепции

³ Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 год //Электронный доступ: <http://www.uz/undp/org/content/uzbekistan.ru>

⁴Указ Президента Республики Узбекистан ПП-1947 от 7 февраля 2017г. «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017—2021 годах».

об охране окружающей среды Республики Узбекистан на период до 2030 года», Решение Президента Республики Узбекистан ПК-4204 от 22 февраля 2019 года «О мерах по повышению эффективности действий по борьбе против опустынивания и засухи в Республике Узбекистан» и других документах, соответствующих данным задачам.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий в республике VIII «Науки о земле», V «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Проблемой опустынивания занимались зарубежные учёные и учёные из стран СНГ R.Odinol, M.Verstrate, И.С.Зонн, М.Х.Глянц, Н.С.Орловский, Г.С.Куст, М.Г.Харин, Н.Т.Нечаева, В.Н.Николаев, А.Г.Бабаев, В.А. Ковда, Л.С.Гаевская, К.Курбанмурадов и ряд других исследователей.

В Узбекистане вопросы развития процесса опустынивания в разных регионах и его картографирования изложены в трудах С.Б.Аббосова, А.Абдулкасымова, Л.А.Алибекова, А.А.Рафикова, В.А.Рафикова, В.А.Попова, В.Е.Чуба, Г.Ф.Тетюхин, А.В. Птичников, Т.Мукимов А.Рахматуллаева и некоторых других исследователей.

Но в данных исследованиях не проведены работы по мониторингу и измерению посредством организации опорно -экспериментальных участков в горных и предгорных ландшафтах, не созданы карты оценивания интенсивности и распределения опустынивания.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего учебного заведения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках практического проекта А-4-8 «Определение ветроэнергетических ресурсов Самаркандской области и составление карты» (2015-2017); фундаментального проекта ОТ-Ф8-07 «Изучение, оценка и картографирование процесса опустынивания в горных геосистемах при помощи опорно-экспериментальных участков (на примере Гобдинтау)» (2017-2020)

